

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«ЎЗДАВЕРЛОЙИҲА» ДАВЛАТ ИЛМИЙ-ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ

ТУРАЕВ РУҲИДДИН АМИРҚУЛОВИЧ

**СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАР МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИШ
МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.10 – «Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги»

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2021

**Техника фанлари ихтисослиги бўйича фан доктори (DSc)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
наук (DSc) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (DSc) on technical sciences**

Тураев Рухиддин Амиркулович

Суғориладиган ерлар мониторингини юритиш методологиясини
такомиллаштириш 3

Тураев Рухиддин Амиркулович

Совершенствование методологии ведения мониторинга
орошаемых земель..... 31

Turaev Rukhiddin Amirkulovich

Improvement of the methodology for monitoring irrigated lands 58

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 62

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«ЎЗДАВЕРЛОЙИҲА» ДАВЛАТ ИЛМИЙ-ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ

ТУРАЕВ РУҲИДДИН АМИРҚУЛОВИЧ

**СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАР МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИШ
МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.10 – «Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги»

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2021

Техника фанлари ихтисослиги бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2021.3.DSc/T460 рақам билан рўйхатга олинган

Докторлик диссертацияси «Ўздавверлойиҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш
веб-саҳифасида (www.tiiame.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим тармоғига (www.ziynet.uz)
жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Авезбаев Садулла
иқтисод фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сафаров Эшқабул Юлдашович
техника фанлари доктори, профессор

Курвантоев Раҳмонтой
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

Норкулов Усмонкул
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти ҳузуридаги DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 рақамли Илмий кенгашнинг
«24» декабрь 2021 йил соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000,
Тошкент ш. Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (+99871) 237-09-71, факс: (+99871) 237-54-79, e-mail:
admin@tiiame.uz)

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (рақами билан рўйхатга олинган).
Манзил: 100000, Тошкент ш. Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (+99871) 237-19-45. e-mail:
admin@tiiame.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «11» декабрь кuni тарқатилади.
(2021 йил «11» декабрь даги 08 рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Султанов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.А.Гаппаров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Т.М.Абдуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.н., доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI-аср бошидан буён Ер шарида мавжуд 13 млрд га ер майдонидан 1,5 млрд га (куруқликнинг тахминан 10%) ҳайдалиб, деҳқончилик қилинади. Инсониятнинг деҳқончилик тарихида тахминан 2 млрд га унумдор ерлар сув бостирилиши, шўрланиши, чўлга айланиши, қурилиш ишлари олиб борилиши туфайли йўқотилган. Ҳозир дунё бўйича ҳар йили 6-7 млн га унумдор ерлар қишлоқ хўжалиги тасарруфидан чиқиб кетмоқда. Марказий Осиё минтақасида ер ресурсларининг энг қимматли муҳим қисми – суғориладиган ерлар ҳисобланади.

Расмий маълумотларга кўра, жаҳон бўйича 271,432 млн га, Марказий Осиё минтақасида эса 6,8 млн га атрофида суғориладиган ерлар мавжуд¹. Бу борада суғориладиган ерларнинг ҳозирги ҳолати, унумдорлигини сақлаш, ошириш ва унда кечадиган салбий жараёнларнинг олдини олиш орқали самарали фойдаланиш ва муҳофазалаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси ер фонди 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра 44 892,4 минг га, шундан суғориладиган ерлар 4 329,0 минг га ёки жами ер майдонининг 9,6% ташкил қилади. Шу сабабли, суғориладиган ерлар мониторингини юритиш орқали, турли омиллар таъсирида юзага келаётган ўзгаришларини аниқлаш, ушбу ерларни барқарор бошқаришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ер фондининг асосий тоифаси ҳисобланган қишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ерларнинг умумий майдони 20 761,6 минг га ёки республика бўйича жами фойдаланишдаги ерларнинг 46,2% ни, шу жумладан суғориладиган ерлар 3 239 минг гектарни, яъни 7,2% ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси²да суғориладиган ерлардан кам ҳосил бераётган экинларни қисқартириш ҳисобига, озиқ-овқат ва бошқа экспортбоп экинларини жойлаштириш тўғрисида аниқ кўрсатмалар белгиланган. Шунинг учун ҳам республикада суғориладиган ерлар мониторингини юритиш технологиясини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 й 23 декабрдаги 496-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 мартдаги «Қишлоқ хўжалиги экинларини мониторинг қилиш, ҳудудни картографиялашда техник ва технологик ишлаб чиқишни ривожлантириш ва янгилашни амалга ошириш тўғрисида» 258/Ф-сонли Фармойиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5742-сонли Фармони ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ижросини

¹ Абулкосимов Ҳ.П., Халимбетов А.О. Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш йўллари. - Тошкент: «IQTISOD-MOLIYA», 2008. - 80-б.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони

таъминлашда ушбу диссертация ишида олинган натижалари асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» мавзусидаги устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси буйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³.

Суғориладиган ерлар мониторингини юритиш бўйича илмий тадқиқотлар БМТнинг (FAO) ташкилоти, University Tsukuba, University Kyoto (Япония), Chinese Academy of Sciences, China National Environmental Monitoring Center (Хитой), Global Environment Facility (GEF), Global Forum on Agricultural Research (GFAR), Central Asian Countries Initiative for Land Management (CACILM), U.S.Geological Survey (АҚШ), Москва давлат ер тузиш университетида олиб борилмоқда.

Суғориладиган ерларнинг мониторингини юритиш технологияси ва уларни юритишга оид жаҳонда олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида, жумладан куйидаги илмий натижалар олинган: рақамли технологиялар асосида суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари баҳоланган, маҳсулдорлиги аниқланган ва унинг мониторинги юритилган (Food and Agriculture Organization of the United Nations (FAO), суғориладиган майдонлар тупроқлари ҳолати, унумдорлиги ва уларни яхшилаш ҳамда ГАТ мониторинг кузатувларини қўллаш технологиялари такомиллаштирилган (University Tsukuba); суғориладиган ерларнинг тупроқ-мелиоратив мониторинги аниқланган (Chinese Academy of Sciences, China National Environmental Monitoring Center, Higher Institute of Environmental Sciences and Technologies.); ерларнинг замонавий ҳолати ва ГАТ технологиялар Ерни масофадан туриб зондлаш методологиясидан (ЕМЗ) фойдаланиш бўйича ишланмалар яратилган (University Kyoto.); иқлим ўзгаришларига мослашиш, тупроқларнинг таназзулга учрашига қарши кураш технологиялари такомиллаштирилган (Global Environment Facility, Global Forum on Agricultural Research); ер мониторингини юритиш асосида биохилма-хилликни қайта тиклаш, ем-хашак экинлари маҳсулдорлиги, суғориладиган ерлар маҳсулдорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган (Central Asian Countries Initiative for Land Management), масофадан зондлаш ёрдамида ер ресурсларини кузатиш моделлаштирилган ва хариталаштирилган (U.S. Geological Survey, АҚШ), мелиорацияланадиган суғориладиган ерлар мониторингини юритиш концепцияси ишлаб чиқилган (ВолжНИИГиМ, Россия).

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида суғориладиган ерлар мониторингини юритиш бўйича куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: қишлоқ хўжалик ерлари ва экинларини масофадан зондлаш материаллари асосида баҳолаш ва учувчисиз учуш аппаратлари (дронлар) ёрдамида ерларнинг мониторингини юритиш, инновацион рақамли

³ <https://www.nrcs.usda.gov>; <https://www.search.usa.gov/>; <https://sis.agr.gc.ca>; www.gov.uk/government/organisations/landregistry; www.lantmateriet.se; www.Ipi.nsw.gov.au/

технологиялар асосида мониторинг тизимини юритиш ва уларни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг турли минтақаларида ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш масалалари С.Н.Волков, А.С.Чешев, В.В.Вершинин, Г.Э.Ларин, А.О.Хомутов, М.В.Максумова, Prasad S.Thenkabail, M.Thomas Lillesand, W.Ralph Kiefer, W.Jonathan Chipman. Lam Dao Nguyen ва бошқа олимларнинг илмий ишларида алоҳида ўрин тутади. Республикамизда ушбу масалалар С.Авезбоев, Қ.Рахмонов, Ғ.Толипов ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритилган ва маълум ижобий натижаларга эришилган.

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти олимлари 2003 йилда С.А.Абдуллаев, А.Ж.Боиров, М.М.Тошқўзиёв, А.У.Ахмедов, Э.А.Зиямухамедов, А.Исмоновлар томонидан И.А.Акрамов, М.М.Азизовлар иштирокида ўзбек тилида «Ўзбекистон Республикасида Ер мониторингини юритиш услуги» (Низоми)⁴ ишлаб чиқилган бўлиб, унда асосий эътибор ерларнинг сифат жиҳатидан мониторингини юритишга қаратилган. Лекин, суғориладиган қишлоқ хўжалик мақсадлари учун мўлжалланган ерлар мониторингини юритиш технологиясини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар деярли ўтказилмаган, қишлоқ хўжалиги экинларининг ривожланиши (масофадан зондлаш асосида) ерларнинг миқдор жиҳатидан мониторингини юритиш услугиёти бугунги кунга қадар ишлаб чиқилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги 496-сонли «Ўзбекистон Республикасида Ер мониторингини юритиш услуги – Низомини тасдиқлаш тўғрисида»⁵ Қарори асосида 2003-2020 йилларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 й 23 апрелдаги «Маъмурий-худудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 299-сон Қарорлари асосида ишланган 2018-2020 йилларда «Ўздаверлойиха» давлат илмий-лойиҳалаш институтининг илмий тадқиқот ишлари режаси асосида олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистон Республикаси суғориладиган ерлари мониторингини юритиш методологиясини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ва «Ер ахборот тизими» дастурини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси Ер фондининг суғориладиган ерларидаги миқдорий ўзгаришлар динамикасини аниқлаш ва мониторинг юритишда замонавий рақамли технологияларини қўллаш;

қишлоқ хўжалиги ер тоифасидаги суғориладиган ерлар мониторингини юритиш методологиясини такомиллаштириш;

⁴ Ўзбекистон Республикасида «Ер мониторингини юритиш услуги» (Низоми). - Тошкент, 2001. - 83 б.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №496-сонли Қарори: «Ўзбекистон Республикасида Ер мониторингини юритиш услуги - Низомини тасдиқлаш тўғрисида». - Тошкент, 2000 йил 23 декабрь.

қишлоқ хўжалиги ерларида бир вақтда дешифровкаш ва инвентаризациялаш ишларини замонавий техник воситалар ёрдамида ўтказиш усулларини такомиллаштириш;

««Yer axborot tizimi» YAT»нинг очиқ порталини яратиш;

фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ер майдонларини аниқлаш, уларни қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритиш учун ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган суғориладиган ерлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети асосини ер мониторингини юритиш технологиялари хизмат қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқот ишларини бажаришда тизимли мониторинг юритиш, дешифровкаш, инвентаризациядан ўтказиш, таҳлил, қиёсий таққослаш, статистик гуруҳлаш, математик моделлаштириш, масофадан зондлаш усуллари ва ГАТ технологиялари дастурларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ер фонди, табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро узвий алоқадорликни инобатга олган ҳолда суғориладиган ерлар мониторингини бошқариш тизими асосланган;

суғориладиган ерлар мониторингини миқдорий жиҳатдан юритиш методологияси замонавий рақамли технологиялар асосида такомиллаштирилган;

қишлоқ хўжалиги электрон рақамли хариталарида ҳудудлар кесимида ер участкасига такрорланмас контур рақамини автоматлашган тизим асосида бериш механизми ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги ерлари тўғрисидаги комплекс маълумотларни геовизуаллаштирувчи ««Yer axborot tizimi» YAT» номли очиқ портали ишлаб чиқилган.

қишлоқ хўжалиги фойдаланишига киритилган суғориладиган ер майдонларида алмашлаб экиш механизмини инобатга олган ҳолда экин турларини жойлаштириш услуби такомиллаштирилган;

деҳқончилик тизимларини қўллаш мақсадида хусусийлаштирилаётган қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматини аниқлаш усули геоахборот тизими технологиялари асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ерлар мониторингини юритиш технологияси ишлаб чиқилган;

республиканинг 34 туманида биринчи марта контурларга туман буйича такрорланмас рақам берилган, натижада қишлоқ хўжалик ер турларининг аниқ ҳисобини юритишга эришилган;

мониторинг юритиш асосида республика ер фонди таркибидаги 2,8 млн га қишлоқ хўжалиги ерлари амалда 74,5 минг га кўплиги исботланган;

республикада 1:10 000 ва 1:25 000 масштабли қишлоқ хўжалиги ерларининг электрон рақамли хариталари яратилган;

««Yer axborot tizimi» YAT» очиқ портали яратилган ва амалиётга жорий этилган;

республикада 2020 йилда қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритилган 165 671 га майдонларда жойлаштирилган қишлоқ хўжалиги экин турларини оптималлаштиришга қаратилган усулда ер тузиш лойиҳалари ишлаб чиқилган; ерларнинг меъёрий қийматини аниқлаш ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ва аниқлиги қиёсий, картографик, тизимли таҳлил, математик моделлаштириш, замонавий ГАТ услублари асосида бажарилганлиги, олинган натижаларнинг илмий асосланганлиги, онлайн дастурнинг амалиётда фойдаланилаётганлиги, услубий қўлланмалар асосида бажарилганлиги, Республика ва халқаро масштабда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, Олий Аттестация Комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва Республика илмий журналлари даврий нашрларида чоп этилганлиги ҳамда натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси ер фондининг суғориладиган ерлари таркибидаги ўзгаришлар динамикаси аниқланганлиги, ер мониторингини юритиш зарурати асосланганлиги, ерлар мониторингини юритиш технологияси такомиллаштирилганлиги, «Ер ахборот тизими» портали ишлаб чиқилганлиги; инсон омили таъсирини камайтиришга эришилганлиги, қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритилган ерларда қишлоқ хўжалиги экин турлари жойлаштирилган ер тузиш лойиҳаларининг ишлаб чиқиш услубияти яратилганлиги ва экин ер майдонларининг меъёрий қиймат баҳосини аниқлаш, ер солиғини ҳисоблаш усуллари такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, республиканинг 34 туманида биринчи марта космик суратларни ArcGIS дастурида замонавий техник воситалар ёрдамида дешифровкалаш орқали майдонлар ҳисобланиб, туман бўйича контурларга такрорланмас рақам бериш, ердан фойдаланувчиларнинг ер майдонларини йўқламадан ўтказиш натижасида қишлоқ хўжалик ер турларининг аниқ ҳисобини юритиш, электрон рақамли хариталар яратиш, ««Yer axborot tizimi» YAT» очик порталини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалик экин турлари жойлаштириш лойиҳаларини тузиш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ерларда ер тузиш, ер муносабатларини тартибга солиш ва самарали фойдаланишда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Суғориладиган ерлар мониторингини юритиш технологиясини такомиллаштириш» бўйича ўтказилган илмий тадқиқотлар асосида олинган илмий натижалар асосида:

суғориладиган ерлар мониторингини бошқариш тизими ва уни миқдорий жиҳатдан юритиш методологияси Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ хўжалиги бошқармаларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021-йил 26-ноябрдаги 02/022-4826-сон маълумотномаси). Натижада, жорий қилинган мазкур тизим ва методология

республиканинг суғориладиган ерлари мониторингини юритишда, ер муносабатларини тартибга солишда, улардан самарали ва оқилона фойдаланишда илмий-амалий ва услубий қўлланма сифатида хизмат қилмоқда.

қишлоқ хўжалиги электрон рақамли хариталарида худудлар кесимида ер участкасига такрорланмас контур рақамини автоматлашган тизим асосида бериш механизми Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ хўжалиги бошқармаларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021-йил 26-ноябрдаги 02/022-4826-сон маълумотномаси). Натижада, ўтказилган мониторинг тадқиқотларига асосланиб, республиканинг 34 туманида космосуратлар ёрдамида дешифровкалаш ишлари бажарилган бўлиб, ҳар бир туман худудида илк бор туман бўйича такрорланмас контур рақами берилди. Шу билан бирга қишлоқ хўжалик ер турларининг аниқ ҳисобини юритиш имкони яратилган.

қишлоқ хўжалиги ерлари тўғрисидаги комплекс маълумотларни геовизуаллаштирувчи ««Yer axborot tizimi» YAT» номли очик портали Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ хўжалиги бошқармаларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021-йил 26-ноябрдаги 02/022-4826-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу очик порталда ҳужжатлар тизимини рақамлаштиришга эришилган ва шаффоф механизм яратилган, жумладан, республиканинг вилоят, туман, МФЙ, массив кесимида ердан фойдаланувчилар, уларнинг контур чегараларини белгилаш, реал вақтдаги майдонлари, қишлоқ хўжалиги экинлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ва ундан очик фойдаланиш имконини яратган.

экин турларини жойлаштириш услуги ва хусусийлаштирилаётган қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматини аниқлаш усули Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ хўжалиги бошқармаларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021-йил 26-ноябрдаги 02/022-4826-сон маълумотномаси). Натижада, 2020 йилда республика миқёсида жами 1 227 та 1:10 000 масштабли ер тузиш ва ер мониторинги ишлари лойиҳалари ишлаб чиқилиб, бунда жами қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритилган ерлар 165 671 гектарни, шундан, қишлоқ хўжалиги фойдалинишидан чиқиб кетган ерларни ўзлаштириш ҳисобига 91 191 га, ер ости сув захираси мавжуд бўлган ер майдонларни ўзлаштириш ҳисобига 74 480 гектар майдон ишлаб чиқаришга киритилган ва уларга турли қишлоқ хўжалик экин турларини жойлаштиришга эришилган. Шу билан бирга республикамизда бошланган хусусийлаштириш учун қишлоқ хўжалиги ерларини меъёрий қийматини аниқлаш усули орқали қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритилган суғориладиган ерларда, ер ресурсларини бошқариш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган тезкор маълумотларни тақдим этиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. «Ўздаверлойиҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институтининг илмий-техник кенгашида диссертация

натижалари кўриб чиқилган ва ижобий баҳоланган, жумладан 8 та, шундан 6 та халқаро ва 2 та маҳаллий илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган. Институтнинг илмий-техник кенгашида кўриб чиқилган

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси юзасидан 33 та илмий иш, шундан ҳаммуаллифликда 1 та ўқув қўлланма, 2 та тавсиянома, 1 та фойдали модел учун патент, 2 та дастурий таъминот гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан белгиланган илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола, жумладан 12 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг асосий ҳажми 168 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш рўйхати келтирилган, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ер мониторингини юритишнинг назарий ва услубий асослари**» деб номланган биринчи боби бешта бўлимдан иборат бўлиб, унда ер мониторингини юритишнинг назарий асослари, уни юритиш услублари, босқичлари, гипотезаси ва замонавий ер мониторингини юритишда хорижий тажрибалар тўғрисидаги умумий маълумотлар таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида **ер мониторингининг мақсади** – ер фондидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш ва қишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ерлардан самарали ташкил этиш тизимидан иборат деб белгилаб қўйилган.

Унинг **асосий вазифалари** қуйидагилардан иборат:

- ер фонди ҳолати ўзгаришларини ўз вақтида аниқлаш устидан кузатишлар тизимини ташкил этиш ва амалга ошириш, уларни баҳолаш, салбий жараёнларни башоратлаш ҳамда уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, қишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ерлардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- давлат ер кадастри юритилишини, ер тузишни, ер фондидан мақсадли ва оқилона фойдаланишни, ерларни муҳофаза қилишни ва ер ресурсларини давлат томонидан бошқаришни ахборот билан таъминлаш.

Мониторинг натижаларидан фойдаланиш қишлоқ хўжалигида юзага келиши мумкин бўлган биогеоэкологик хавфларни минималлаштириш

ва табиий-иқлим шароити динамикасини ҳисобга олган ҳолда, юқори ва барқарор ҳосил олиш учун шароит яратиш мақсадида, ерлардан самарали фойдаланиш орқали, экинлар ҳосилдорлигини бошқариш бўйича тегишли қарорларни асослашга имконият яратади.

Мониторинг олиб бориш борасида дунё аҳамиятига молик дастлабки амалий саъйи-ҳаракатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан 1972 йилда Стокгольмда ташкил этилган махсус анжуманда алоҳида тизимга эга бўлган «Атроф-муҳит мониторинги» деб номланган дастур тўғрисида қарор қабул қилиниши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, дунё ҳамжамиятида ушбу дастур асосида кенг кўламли ишларнинг тадбиқ этилиши муҳим бир босқич ҳисобланади. Шунингдек, турли йўналишлардаги ер тузиш, лойиҳалаш ва ер мониторинги масалалари бўйича хорижий мамлакатлардаги турли хил услубиятга асосланган тадқиқотлар хорижий ва республика олимлари С.Н.Волков, А.А.Варламов, В.В.Вершинин, Д.А.Шаповалов, Ф.И.Козловский, Т.В.Королюк, Т.И.Топольник, Е.И.Панкова, Д.А.Соловьев, И.Н.Гоголев, Н.В.Стасюк, Н.А.Пронько, С.В.Ковалев, Е.В.Белорусцева, В.А.Королёв, А.Л.Ильиных, Е.В.Хомчукова, А.П.Сизов, Д.Н.Кутлияров, М.В.Литвиненко, С.Авезбоев, Қ.Рахмонов, Ғ.Толипов, Р.Қўзиев, С.Абдуллаев, А.У.Ахмедов ва Ғ.Т.Парпиев кабиларнинг илмий тадқиқот ишларида келтирилган.

Мазкур тадқиқотларнинг назарий аҳамияти қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг мониторинги учун автоматлаштирилган ахборот тизимининг концептуал моделини ва қишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ерларнинг мониторингини юритиш учун автоматлаштирилган ахборот тизимининг геопозицион маълумотлар базасини ташкил этиш тамойилларини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Маълумки, ер мониторингини юритиш тадқиқот, лаборатория ва камерал ишларни бажаришга асосланади. Бажариладиган ишларни ўрганиш, умумлаштириш, тартибга солиш жараёнлари автоматлаштиришни талаб қилади. Ер мониторинги бўйича ишларни мувофиқлаштириш ва раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикасининг собиқ Давергедезкадастр кўмитаси таркибидаги ташкилотлар томонидан амалга оширилган.

Ер мониторинги маълумотлари белгиланган тартибда тўлдирилади ва топширилади. Бунда ер мониторингининг объектлар бўйича материаллари ижрочилар, хусусан бўлим бошлиқлари ва лойиҳа раҳбарлари (институт, бўлим, филиал, экспедиция) томонидан ёзма оралик, йиллик ва якуний ҳисоботлар ҳамда картографик материаллар кўринишида ўрнатилган тартибда мутасадди вазирлик ва идораларга тақдим этилади.

Ер мониторинги технологияси лойиҳалаш, кузатиш, объектларнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва прогнозлаш босқичларига бўлинади ва тадқиқотлар якунидан қарор қабул қилиш босқичи билан якунланади. Қабул қилинган қарорлар муҳим чора-тадбирлар ишлаб чиқишга қаратилади.

Ер мониторинги тизимида давлат ахборот хизмати давлат муассасалари ёки фуқаролар тасарруфидаги ер ресурслари тўғрисидаги тезкор маълумотлар олиш ва аниқланган салбий оқибатларни ўз вақтида бартараф этишга ёрдам беради. Ўз навбатида ер мониторинги натижалари асосида ер ресурсларидан самарали

фойдаланишни бошқариш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда ер кадастри ва ер тузиш хизмати идораларининг зарур манбаларга эга бўлиш имконияти яратилади.

Ер мониторинги гипотезасининг асосий мазмуни мунтазам ва мажмуали кузатиш, қидириш, тафтиш қилиш, тасвирга олиш ва ўзгаришларни тавсифлаш ва илмий асосда башорат қилишдан иборат. Масалан, ер мониторингининг натижалари маълум давр учун аниқ сифат ва миқдор кўрсаткичларида ифодаланади (бунда: қишлоқ хўжалиги ерларининг таназзулга учраши, гектарига чириндининг йўқотилиш даражаси ва тупроқ қатлами деградацияси тезлиги, фаоллиги ва йўналиши кўп мақсадли ахборотлар базасига киритиб борилади).

Қишлоқ хўжалигида илмий тизим асосида ер мониторинги гипотезасини юритиш ва ердан самарали фойдаланиш ўз навбатида ерни ҳар томонлама яхшилаш, унинг унумдорлигини ва иқтисодий самарадорлигини оширишга олиб келади.

Турли мамлакатлардаги ер мониторинги миллий тизимлари табиий ва географик жойлашувининг ўзига хос хусусиятлари ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатлари туфайли сезиларли фарқларга эга. Буюк Британия, Хитой, Япония, Корея, АҚШ, Голландия, Канада, Норвегия, Германия, Австрия, Франция, Венгрия, Испания, Швеция, Россия, Беларусия, шунингдек Африка қитъасининг айрим давлатларида 40-50 йилдан кўпроқ вақт давомида замонавий ер мониторинги бошлаб юборилган. Уларда мақсадлар, вазифалар, иш технологияси, кўрсаткичлар тўплами миллий манфаатларга қараб фарқланади, ер мониторинги натижалари бошқа маълумотлар билан бир қаторда геоахборот тизимлари (ГАТ)га киритилган ва фойдаланиш учун очик ҳисобланади.

Умуман олганда, замонавий ер мониторингини юритишга қаратилган тадқиқотлар хорижий давлатлар (Буюк Британия, Хитой, Япония, Корея, АҚШ, Голландия, Канада, Норвегия, Германия, Австрия, Франция, Венгрия, Испания, Швеция, Россия, Беларусия каби)да 1970-1980 йиллардан, республикамизда эса асосан 2003 йилдан ер мониторинги тадқиқотлари тупроқ сифати жиҳатидан ўрганила бошланган.

Ҳукуматимиз томонидан кейинги йилларда амалга оширилган кенг қамровли чора-тадбирлар туфайли қишлоқ хўжалик ерлари мониторингини юритишга асос солинди, Буюк Британия, Хитой, Япония, Корея, АҚШ, Голландия, Канада, Норвегия, Германия, Австрия, Франция, Венгрия, Испания, Швеция, Россия, Беларусия каби ривожланган давлатлар тажрибаларидан фойдаланиб, республикамизнинг миллий мониторинг тизимини такомиллаштириш ишлари бошланди.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикаси суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари таҳлили**» деб номланган иккинчи боби бешта бўлимдан иборат бўлиб унда республика ер фонди ва ундан фойдаланиш, ер фондининг

тоифалари ва ер турлари бўйича тақсимланиши масалалари кўриб чиқилган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар таҳлили, суғориладиган ерларнинг миқдор ва сифат ўзгаришлари ҳамда ер турларидан фойдаланиш масалалари келтирилган.

Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий чегарасидаги умумий ер майдони 2020 й 1 январ ҳолатига 44 892,4 минг га, шу жумладан суғориладиган ерлар 4 329,0 минг га ташкил қилади (1-расм).

1990 йилдан 2020 йилгача бўлган ер турлари маълумоти таҳлиliga аҳамият берадиган бўлсак, ер фондининг ер тоифаларида кескин ўзгаришлар қайд қилинган.

Мисол учун, 2019-2020 йиллар давомида жами экин ерлари 4 019,8 минг га 4 033,5 минг га ўзгарган ва бир йил ҳисобига таҳлил қилсак, 13,7 минг га экин ерлари ортган. 1990 й нисбатан 143 минг га экин ер майдони камайган. Шундан 3 262,2 минг га суғориладиган ерлар 3 259,9 минг га ни ташкил этиб, 2,3 минг га камайган. Мос равишда 1990 йилга нисбатан, 147,4 минг га камайган.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги ер турларига назар ташлайдиган бўлсак, қуйидагиларни кузатишимиз мумкин:

дарахтзорлар 398,0 минг га майдондан 403,8 минг га ўзгарган ва бир йил ҳисобига таҳлил қилсак 5,8 минг га ортган. Шундан суғориладиган ерлар 376,3 минг га 380,5 минг га майдонга, яъни 4,2 минг га ошган;

бўз ерлар 80,7 минг га 83,7 минг га ўзгарган ва бир йил ҳисобига таҳлил қилсак, 3,0 минг га ортган. Шундан суғориладиган ерлар 47,7 минг гектардан 48,7 минг га майдонга яъни 1,0 минг га ошган;

пичанзор ва яйлов ерлар 21 102,5 минг га майдондан 21 118,0 минг га ўзгарган ва бир йил ҳисобига таҳлил қилсак, 15,5 га ортган. Шундан суғориладиган ерлар 43,0 минг га 42,9 минг га, яъни 0,1 минг га камайган;

жами қишлоқ хўжалик ер турлари 25 601,0 минг га 25 639,0 минг га ўзгарган ва бир йил ҳисобига таҳлил қилсак, 38,0 минг га кўпайган. Шундан суғориладиган ерлар 3 729,2 минг га 3732,0 минг га, яъни 2,8 минг га камайган.

томорқа ерлар 4 019,8 минг га 4033,5 минг га ўзгарган ва бир йил ҳисобига таҳлил қилсак, 21,3 минг га ортган.

ўрмон ва бутазорлар билан банд бўлган ерлар 3 595,2 минг га 3 588,9 минг га ўзгарган ва бир йил ҳисобига таҳлил қилсак, 6,3 минг га ортган. Шундан суғориладиган ерлар 54,4 минг га 52,9 минг га, яъни 1,5 минг га камайган;


боғдорчилик ва сабзавотчилик уюшмаларининг ерларида ер мониторинги ишлари олиб борилганда 7,3 минг га майдондан 7,2 минг га ўзгарган ва бир йил ҳисобига таҳлил қилсак, 0,1 минг га камайганлиги кузатилди. Шундан суғориладиган ерлари 6,4 минг га 6,2 минг га, яъни 0,2 минг га камайган;

мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ерлар 71,9 минг га 68,9 минг га ўзгарган ва бир йил ҳисобига таҳлил қилсак, 3,0 минг га камайган.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси Ер фондининг 2020 й 1 январ ҳолатига ер тоифалари бўйича тақсимланиши

Сўнгги 15 йиллик мониторинг таҳлилларига кўра, республикада 2006-2010 йиллар оралиғида суғориладиган экин ерлар майдони 12,3 минг га ортганлиги, ва аксинча, 2010-2020 йиллар оралиғида 56 минг га камайганлиги қайд қилинган (2-расм).



2-расм. Республика бўйича суғориладиган экин ер майдонларининг ўзгариши (минг га ҳисобида)

Юқорида келтирилганидек, 2006-2010 йиллар оралиғида аксарият вилоятларда суғориладиган экин ер майдонлари кўпайганлигини, фермер хўжаликлари томонидан ерларнинг ўзлаштирилганлиги билан изоҳланади. Қорақалпоғистон Республикаси (0,1 минг га), Наманган (0,8 минг га), Тошкент

(0,5 минг га) вилоятларида давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер ажратиш ҳамда янги боғлар ва тутзорлар барпо қилиш ҳисобига, Сирдарё вилоятидан (5,0 минг га) «Сардоба сув омбори» қурилиши ҳисобига (0,4 минг га) давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер ажратиш, янги боғлар ва тутзорлар барпо қилиш ҳисобига экин майдонлари камайган.

1990 йилда суғориладиган экин ер майдони 3 407,3 минг га қайд қилинган, 2020 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 3 259,9 минг га ташкил этиб ўтган 30 йил давомида суғориладиган экин ерлари 147 400 га камайган, ва аксинча, пичанзор ва яйлов ерлари 5 900 га, бўз ерлар 22 800 га, дарахтзорлар майдони эса 26 000 га кўпайганлигининг ҳисобига суғориладиган қишлоқ хўжалиги ер турларининг умумий майдони 92 700 га камайганлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Ер фондининг асосий ер турлари бўйича тақсимланиш динамикаси*, минг га.

Ер турлари	01.01.1990 й. ҳолатига	01.01.2000 й. ҳолатига	01.01.2019 й. ҳолатига	01.01.2020 й. ҳолатига	01.01.1990 й. 01.01.2020 й. фарқи +,-	01.01.2000 й. 01.01.2020 й. фарқи +,-	01.01.2019 й. 01.01.2020 й. фарқи +,-
1. Экин ерлар	4176,5	4056,6	4019,8	4033,5	-143,0	-23,1	13,7
шу жумладан, суғориладиган	3407,3	3313,6	3262,2	3259,9	-147,4	-53,7	-2,3
2. Дарахтзорлар	366,8	352,9	398,0	403,8	37,0	50,9	5,8
шу жумладан, суғориладиган	354,5	339,7	376,3	380,5	26,0	40,8	4,2
3. Бўз ерлар	62,1	80,7	80,7	83,7	21,6	3,0	3,0
шу жумладан, суғориладиган	25,9	46,5	47,7	48,7	22,8	2,2	1,0
4. Пичанзор ва яйловлар	23475,0	22263,4	21102,5	21118,0	-2357,0	-1145,4	15,5
шу жумладан, суғориладиган	37,0	44,1	43,0	42,9	5,9	-1,2	-0,1
5. Қишлоқ хўжалик ер турлари жами	28080,4	26753,6	25601,0	25639,0	-2441,4	-1114,6	38,0
шу жумладан, суғориладиган	3824,7	3743,9	3729,2	3732,0	-92,7	-11,9	2,8
6. Томорқа ерлар	437,9	642,9	697,4	726,0	288,1	83,1	28,6
шу жумладан, суғориладиган	355,6	481,9	516,6	537,9	182,3	56,0	21,3
7. Ўрмонзорлар ва бутазорлар	1410,0	1511,9	3595,2	3588,9	2178,9	2077,0	-6,3
шу жумладан, суғориладиган	31,3	44,6	54,4	52,9	21,6	8,3	-1,5
8. Богдорчилик ва сабзавотчилик уюшмаларининг ерлари	13,4	8,5	7,3	7,2	-6,2	-1,3	-0,1
шу жумладан, суғориладиган	9,9	7,2	6,4	6,2	-3,7	-1,0	-0,2
9. Мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ерлар	103,7	79,3	71,9	68,9	-34,8	-10,4	-3,0
10. Бошқа ерлар	15539,6	15414,1	14919,6	14862,4	-677,2	-551,7	-57,2
Жами ерлар	45585,0	44410,3	44892,4	44892,4	-692,6	482,1	-
шу жумладан, суғориладиган	4221,8	4277,6	4306,6	4329,0	107,2	51,4	22,4

*Изоҳ: Давергеодезкадастр қўмитаси маълумотлари, 1990-2020 йиллар бўйича муаллиф томонидан қайта ишланган.

Республикамизда сўнгги йилларда аграр соҳани янада ривожлантириш, хусусан, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш сувидан самарали фойдаланишга имкон берувчи йирик гидротехник иншоотларни қуриш, таъмирлаш бўйича қатор дастурлар қабул қилинган ва катта молиявий сармоялар эвазига улар амалга оширилмоқда. Шунга қарамадан, суғориладиган ерлардан фойдаланмасликнинг асосий сабаблари жойлардаги коллектор-зовур тармоқларининг ишламаслиги, сув таъминотининг етишмаслиги, насосларнинг бузилиши сабабли, суғоришнинг амалга оширилмаганлиги бўлиб қолмоқда.


Расмий маълумотларга кўра, республика бўйича жами 266 106 га фойдаланилмаётган суғориладиган экин ерларининг 140 974 га (53%) сув таъминоти етишмаслиги сабабли, 59 983 га (22,5%) коллектор-зовур тармоқларининг ишламаслиги сабабли, 16,5% кучли шўрланганлиги ва бошқа салбий ҳолатлар сабабли, 5,0% насослар бузилиб сув чиқарилмаганлиги сабабли

қишлоқ хўжалиги фойдаланишдан чиқиб кетган. Ушбу фойдаланилмаслик сабаблари ичида сув таъминоти алоҳида ўрин тутди.

Диссертациянинг «**Ер мониторингини юритишнинг замонавий инновацион технологиялари**» деб номланган учинчи боби учта бўлимдан иборат бўлиб, унда замонавий инновацион технологиялар ва уларнинг ер мониторингини юритишдаги афзалликлари, «Ер ахборот тизими» порталини яратишнинг зарурияти ва унинг асосий дастурлари ва «Ер ахборот тизими» асосида ер мониторинги юритиш механизми масалалари ёритилган.

Қишлоқ хўжалиги ерлари мониторингини ривожлантириш ва такомиллаштиришда янги воситалар ва технологиялар жорий қилинмоқда, шу жумладан масофавий зондлаш энг холис ва тезкор бир вақтнинг ўзида олинган тасвирлар асосида маълумотларни кузатиш, йиғиш ва қайта ишлаш тизимлари, ердан фойдаланишни, экинларнинг жойлашиши ва ҳосилнинг потенциал ҳажмини аниқлашда электрон рақамли хариталарнинг роли катта.

Электрон рақамли хариталарни янгилашда бажариладиган камерал ишлар қуйидаги 3-расмда келтирилган.



3-расм. Электрон рақамли хариталарни янгилашда камерал ишлар тартиби

Бугунги кунда республикамизнинг турли соҳаларида геоахборотлар тизимидан ва космик ва аэросуратлардан фойдаланилиб, аниқлик даражаси

юқори бўлган маъмурий ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш электрон рақамли хариталарни яратиш технологияси йўлга қўйилган.

Масалан, маъмурий ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш жараёнини қуйидагича ифодалаш мумкин (4-расм).



4-расм. Маъмурий ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш жараёни

Ер мониторингини ўтказишда учувчисиз учиш аппаратлари (УУА)дан фойдаланиш ер мониторингини сифатли юритиш имкониятини беради.

Тадқиқотлар жараёнида ер майдонларини АН-2 самолёти ва учувчисиз парвоз қилувчи аппаратлар ёрдамида ўлчаш натижалари таққосланганда, 100 га майдонни самолёт ёрдамида 20 соат, учувчисиз учиш аппаратлар қўлланилганда 14 соат сарфланиши аниқланди (2-жадвал).

Анъанавий усулга нисбатан, замонавий усулларда қишлоқ хўжалиги ерлари мониторинги юритишда кескин фарқ қилади. Масалан, 500 га қишлоқ хўжалиги ерларини анъанавий усулда 4 та ер тузувчи томонидан 4 кун дала ишларига, 6 кун маълумотларни қайта ишлашга сарфланади ва ойлик иш ҳаққи ҳисобида талаб этиладиган ҳаражат 9 млн. сўм ни ташкил этади. 500 га қишлоқ хўжалиги ер майдонини квадрокоптер (Phantom 4 pro+) русумли учувчисиз учиш аппарати қўлланилганда эса 2 нафар ер тузувчи оператор томонидан 6 соат дала ишларига, 4 соат маълумотларни қайта ишлашга сарфланади ва ойлик иш ҳаққи ҳисобида талаб этиладиган ҳаражат 900 минг сўм ни ташкил этади. Умуман олганда, бундай замонавий технологиялар ёрдамида қишлоқ хўжалиги ер мониторингини юритишда инсон омили таъсири 65% камайтиришга эришилади.

500 га қишлоқ хўжалиги ерларини турли хил усуллар ёрдамида мониторинг қилишнинг қиёсий тавсифи 3-жадвалда келтирилган.

Сугориладиган экин ерларининг йиллар бўйича ўзгариши
(Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри)

(минг га ҳисобида)


Т/р	Республика, шаҳар ва вилоятларнинг номи	Тегишли йилларнинг 1 январь ҳолатига ер майдонлари*													2019 йилга нисбатан фарқи (+/-)							
		2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.		2019 й.	2020 й.					
1	Қорақалпоғистон Республикаси	419,4	419,2	419,8	420,3	423,7	423,6	423,6	423,6	423,6	423,6	423,6	423,6	423,4	417,0	418,1	418,0	418,5	418,3	418,5	-0,2	
2	Андижон	198,3	199,3	200,4	200,9	203,1	203,8	203,8	203,8	203,8	203,8	203,8	203,8	203,5	202,7	203,0	202,5	202,4	202,1	200,6	200,6	-0,3
3	Бухоро	199,6	200,2	200,2	200,4	200,4	200,6	200,6	200,6	200,6	200,6	200,6	200,6	200,6	200,8	200,8	201,2	199,7	199,5	200,1	200,1	-0,2
4	Жиззах	260,4	261,7	263,1	264,1	263,9	264,5	263,9	263,9	263,9	263,9	263,9	263,9	263,7	262,1	261,4	261,1	260,7	258,8	259,9	259,9	-1,9
5	Қашқадарё	421,6	422,1	423,4	423,8	423,7	424,1	421,8	421,8	421,8	421,8	421,8	421,7	421,2	420,4	420,5	420,5	419,8	417,6	417,3	417,3	-2,2
6	Навоий	89,7	89,6	89,6	89,5	89,3	91,0	91,0	91,0	91,0	91,0	91,0	91,0	91,0	90,7	91,1	91,4	91,7	91,7	92,0	92,0	+0,3
7	Наманган	198,6	200,2	199,4	199,2	199,0	198,2	197,9	197,9	197,9	197,9	197,9	197,7	196,2	194,5	193,1	192,5	191,5	190,0	188,2	188,2	-1,5
8	Самарқанд	257,0	255,4	254,6	253,9	253,8	253,9	253,7	253,7	253,7	253,7	253,7	253,7	252,7	252,8	251,9	248,9	246,5	247,0	246,9	246,9	0,5
9	Сурхондарё	242,0	242,0	241,2	241,5	241,5	241,7	241,6	241,6	241,6	241,6	241,6	241,5	241,2	241,0	240,9	240,4	239,9	239,3	238,6	238,6	-0,6
10	Сирдарё	256,0	255,9	256,2	256,9	256,8	251,4	250,9	250,9	250,9	250,9	250,9	250,4	250,4	250,3	249,8	249,7	249,9	249,4	249,2	249,2	-0,5
11	Тошкент	301,7	304,1	304,6	304,9	305,6	305,1	303,6	303,6	303,6	303,6	303,6	303,4	302,1	301,7	299,5	298,9	297,8	295,7	295,7	295,7	-2,1
12	Фарғона	249,6	249,3	249,1	249,3	249,3	249,3	249,2	249,2	249,2	249,2	249,2	248,8	248,0	247,8	247,7	247,7	247,7	247,5	247,6	247,6	-0,2
13	Хоразм	209,2	209,0	208,5	208,6	205,3	205,4	205,4	205,4	205,4	205,4	205,4	205,4	205,3	206,0	206,3	206,2	205,5	205,2	205,3	205,3	-0,3
14	Тошкент ш.	0,5	0,5	0,6	0,6	0,5	0,5	0,3	0,2	0,4	0,4	0,4	0,4	0,4	0,4	0,4	0,4	0,1	0,1			
	Жами:	3303,6	3308,5	3310,7	3313,9	3315,9	3313,1	3307,3	3305,2	3298,5	3288,2	3279,4	3271,7	3262,2	3259,9	3259,9	3259,9	3259,9	3259,9	3259,9	3259,9	-2,3

*Изоҳ: Давргеодезкадастр қўмитаси маълумотлари, 1990-2020 йиллар бўйича муаллиф томонидан қайта ишланган.

500 га кишлоқ хўжалиги ерларини турли хил усуллар ёрдамида мониторинг қилишнинг қиёсий тавсифи

№	Мониторинг услублари	Сарфланган вақт (кун, минут)	Ишчи кучи ва лавозими	Маълумотларни қайта ишлаш	Ойлик иш ҳаққи ҳисобда талаб этиладиган харажат (кунлик), сўмда	Олинган маълумот аниқлик даражаси, %	Асосий хусусиятлари	
							Ижобий томони	Салбий томони
1	Аънавий усул	4 кун	4 нафар ер тузувчи	6 кун	9 000 000	70-85		1. Маълумотларни қайта ишлашга 10 кун вақт кетади. 2. Инсон омили юқори.
2	Квадрокоптер (Phantom 4 pro+) Нарҳи: 28 млн. сўм.	6 соат	2 нафар ер тузувчи оператор	4 соат	900 000	100	1. Кичик ҳажмдаги бўлган) дала майдонларида учун қўллаш самарали. 2. Кишлоқ хўжалик электрон рақамли харитасини 5 см гача бўлган аниқликда яратиш имкониятига эга. 3. Қайта ишланган маълумотларни тўғридан-тўғри геопорталга юклаш имкониятига эга. 4. Инсон омили таъсири йўқ.	1. Парвоз давомийлиги 20 дақикани ташкил этади. 2. Қайта зарядлашга муҳтож бўлади. 3. Техник хизмат кўрсатиш даври тугагач, қайта таъмирлашга муҳтож бўлади. 4. Ноқулай об-ҳаво шароитида (шамол, қор, ёمғирли кунларда) шароитида қўллаб бўлмайди.
3	Картографик дрон-Foxtech АҲК-250 VTOL Inspection Combo Нарҳи: 161 млн. сўм.	60 минут	2 нафар ер тузувчи оператор	4 соат	454 546	100	1. Катта ҳажмдаги (1000 гектар ва ундан кўп ҳажмдаги) дала майдонларида учун қўллаш самарали. 2. Кишлоқ хўжалик электрон рақамли харитасини 5 см гача бўлган аниқликда яратиш имкониятига эга. 3. Қайта ишланган маълумотларни тўғридан-тўғри геопорталга юклаш имкониятига эга. 4. Инсон омили таъсири йўқ.	1. Парвоз давомийлиги 60 дақикани ташкил этади. 2. Қайта зарядлашга муҳтож бўлади. 3. Техник хизмат кўрсатиш даври тугагач, қайта таъмирлашга муҳтож бўлади. 4. Ноқулай об-ҳаво шароитида (шамол, қор, ёмғирли кунларда) шароитида қўллаб бўлмайди.
4	Космосураг орқали	20 минут	1 нафар ер тузувчи мутахассис	2 соат	227 273	60-100	1. Вақт бирлиги нуктаи назардан чексиз микдордаги кишлоқ хўжалиги ерлари тўғрисидаги космосураглар олиш имконияти мавжуд. 2. Кишлоқ хўжалик электрон рақамли харитасини 50 см дан юқори бўлган аниқликда яратиш имкониятига эга. 3. Дронларга нисбатан маълумотларни тез олиш имкониятига эга. 4. Қайта ишланган маълумотларни тўғридан-тўғри геопорталга юклаш имкониятига эга. 5. Инсон омили таъсири йўқ.	1. Космосурагни сотиб олиш шарт. 2. Сотиб олинган космосураг қайта ишлашга муҳтож бўлади. 3. Ноқулай об-ҳаво шароитида (булутли, қор, ёмғирли кунларда) аниқ натижа бермайди. 4. Кишлоқ хўжалиги ерлари космосурагга хар олти ойда бир марта янгиланади, 5. Текис космосураг аниқлик даражаси паст бўлади. 6. Уртана аниқликдаги космосурагнинг харид нархи хар 100 гектарга тахминан 12,5\$ га тенг. Бу эса 500 гектар майдон учун 666 085 сўмга тенг бўлади (12.10.2021 йил ҳолатига).

Учувчисиз учиш аппаратлари ёрдамида олинган тасвирлар электрон қишлоқ хўжалиги хариталари устига туширилади. Бу эса бошоқли дон экинларининг ҳақиқий ҳолатини контурма-контур таҳлил этиш, аниқ майдонларни ҳисоблаш имконини беради. Мисол учун, Қашқадарё вилояти Чирокчи тумани «Пахтакор» массиви худуди учувчисиз учиш аппаратлари ёрдамида суратга олинди (5-расм).



5-расм. Қашқадарё вилояти Чирокчи тумани «Пахтакор» массиви худудининг учувчисиз учиш аппаратлари ёрдамида олинган сурати (А) ва мониторинги таҳлили (В, С, D)

Олиб борилган мониторинг тадқиқотларида (2018 й декабр ойида) Тошкент ва Хоразм вилояти худудлари UltraCamX ёрдамида, Сурхондарё вилоятининг Денов, Шўрчи, Қизириқ туманлари PTERO G1 ёрдамида, Қорақалпоғистон Республикаси худудида космик суратлардан фойдаланиб, ортофотопланлар яратилди. Натижада, мамлакатимизнинг маъмурий худудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш ишлари учун аниқ картографик асос яратилди.

Ерни масофадан зондлаш материалларидан фойдаланиш, ГАТ дастурлари асосида уч ўлчамли ер тасвиридан фойдаланиш технологиясига босқичма-босқич ўтиш, дала дешифровка ишларини кескин камайтириб ишларни камерал ҳолда бажариш имкониятини яратади.

Аэросуратлар асосида яратилган ортофотопланлардан фойдаланиб 80% дала ишларини камайтириб, камерал ҳолда бажарилишига эришилади. Бунда аэросуратлар мавсум бўйича олинса, суратнинг сояси (фототен) бўйича ажратиш имконияти ортади ва дала ишлари учун кўп вақт сарфланмайди. Космосурат ва аэросуратлардан фойдаланиш ва уларнинг афзаллари 6-расмда келтирилган.



6-расм. Космо ва аэросуратлар фарқи

Умуман олганда, ер кадастрини юритишда инновацион технологияларни қўллаб янада кўпроқ натижаларга эришиш мумкин. Жумладан, ҳозирги кунда қўлланилаётган фотограмметрик дастурлари *PhotoScan, Px4D, PhotoMOD, Bentley CC* ёрдамида уч ўлчамли (3D) электрон рақамли хариталар яратилмоқда, бу уларнинг ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилиши иш сифатини оширишга хизмат қилади.

Ер ахборотлар тизими (ЕАТ) аниқ, долзарб ва ишончли, ерларни рўйхатга олиш ва унга тегишли атрибутлардан ва ерга эгаликнинг қонуний чегараларини акс эттирувчи фазовий маълумотлардан иборат бўлиб, у бошқа географик тизимларга интеграциялашга имкон берувчи ёки маълумотларни олиш, яратиш, янгилаш, сақлаш, кўриш, таҳлил қилиш ва нашр этиш имкониятини берадиган мустақил ечим сифатида ҳаётини муҳим ер портали қатламини тақдим этади.

«Ер ахборот тизими» – Ўзбекистон Республикаси барча ер фонди, ердан фойдаланувчилари ва уларнинг ер участкалари, ерларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари, қишлоқ хўжалик экинлари жойлашуви ҳамда ер турлари ҳақидаги маълумотларнинг умумлашган ва рақамлаштирилган онлайн тизимда ишлашга мўлжалланган Қишлоқ хўжалиги вазирлиги «ЕР АХБОРОТ ТИЗИМИ» портали ҳисобланади.

ЕАТни ишлаб чиқиш ва кодлаш жараёнида ГАТ дастурлари ва юқори даражадаги дастурлаш тилларидан фойдаланилади. Бу борада Қишлоқ хўжалик вазирлиги «Ер ахборот тизими» портали дастури Python дастурлаш тили асосида Django Framework да ишлаб чиқарилган.

Python дастурлаш тилига алоҳида тўхталадиган бўлсак, Python самарадор юқори даражадаги маълумотлар таркибини тақдим эта олади. Мазкур дастур оддий, самарадор бўлган очиқ кодлик дастурий таъминот ҳисобланади. Расмий веб сайти www.Python.org деб номланади.

Ер ахборот тизими (ЕАТ) порталида ҳозирги кунда республика ва вилоят чегаралари, туман ва шаҳарлар чегараларини электрон маълумотлари

жойлаштирилган бўлиб, унда республиканинг барча реал вақтдаги маъмурий ҳудудий тузилиши ва қатламлар кетма-кетлиги кесимида маълумотлар жойлаштирилган ва мунтазам равишда порталда маълумотлар янгиланиб турилади (7-расм).



7-расм. Республиканинг маъмурий ҳудудий бирликлар чегаралари кетма-кетлигида жойлаштирилган маълумотлар кўриниши

Вилоят кесимида тегишли майдондан ҳосил бўладиган маълумотлар: умумий майдони, шу жумладан қишлоқ хўжалиги ерлари майдони, қишлоқ хўжалиги экинлар жойлашуви (га), шўрланганлик даражаси (га), ердан фойдаланувчи турлари кесимидаги умумий келтирилган маълумотлар ойнаси ҳосил бўлади (8-расм).



8-расм. Вилоятлар ердан фойдаланувчилар ойнаси

Бунда маълум бир вилоят кесимидаги асосий экинлар жойлашуви жадвалига кирилганда вилоятнинг асосий таркибига кирувчи туманлар кесимида қишлоқ хўжалиги экинларини экиш тўғрисидаги маълумотлар ойнаси ҳосил бўлади. Унда фойдаланувчи қишлоқ хўжалик экин турлари кесимида жорий йил учун режадаги кўрсаткич, амалдаги ҳолат ва иккаласининг фарқи акс эттирилган жадвалдан фойдаланиши мумкин. Ундан кейинги қатламда жойлашган жадвалда туманлар кесимида ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар сони, умумий майдони, қишлоқ хўжалиги экин ерлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган бўлади. Дастурнинг кейинги қатламида эса вилоятнинг тегишли туман ҳудудлари кесимида жорий тасдиқланган маълумотлар ва туман таркибига кирувчи маълум бир массивга тегишли маълумотлар жамланмаси акс эттирилган бўлади.

Диссертациянинг «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар мониторингини юритиш методологиясини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш» деб номланган тўртинчи бобида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар мониторинги методологиясини такомиллаштириш, ер мониторингини юритишда ер тузиш лойиҳаларининг самарадорлиги ва ер мониторингини юритишда рақамли технологияларни жорий этишнинг роли каби масалалар кўриб чиқилган.

Ўтказилган илмий тадқиқот ишлари натижасида қишлоқ хўжалиги ерлари мониторингини юритиш механизми ишлаб чиқилди. Бунда асосий эътибор рақамли иқтисодиёт тизимида ер ҳисобини юритиш модули схемасига қаратилди (9-схема).



9-схема. Рақамли иқтисодиёт тизимида ер ҳисобини юритиш модули

Рақамли иқтисодиёт тизимида ер ҳисобини юритиш модули схемаси бўйича тавсифлайдиган бўлсак, ерлар ҳисоби Миллий географик ахборот тизими порталига Ер ахборот тизими портали орқали интеграция қилинади.

Бу борада шуни айтиш лозимки, ерлар ҳисобининг «Онлайн» режимда мониторингини юритиш ва удаги доимий ўзгаришларни тезкор янгилаб бориш замон ва макон доирасида муҳим аҳамият касб этади.

Ўз навбатида «Ер ахборот тизими»ни яратиш орқали ердаги бўлган барча ўзгаришлар хронологиясини шакллантириш орқали маълумотлар базаси ташкил этиладиган мониторинг марказида жамланади.

